| **“Ўзбеккўмир” акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши мажлисининг 3/2025 - сонли БАЁННОМАСИ** | **MINUTES No. 3/2025 of the SUPERVISORY BOARD MEETING OF JSC “UZBEKCOAL”** |
|---|---|
| ***Мажлис ўтказилган сана:*** *«14» 08 2025 йил.* | **Date of the meeting:** *14. 08, 2025.* |
| ***Мажлисни ўтказиш шакли:*** *Сўровнома орқали* | **Form of the meeting:** *by means of a survey* |
| ***Мажлис ўтказилган жой:*** *Тошкент шахри- 11, Марказ-14, 27 уй.* | **Location of the meeting:** *Tashkent City, 11, Center-14, House 27.* |
| ***Мажлис ўтказилган вақт:*** *соат 15-00* | **Time of the meeting:** *15:00.* |
| Кузатув кенгаши мажлиси Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ ўтказилди. Кузатув кенгаши мажлиси Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 78-моддасига мувофиқ, Кузатув кенгаш аъзолари ташаббуси билан чақирилди.<br>Кузатув кенгаши аъзолари мажлис баённомасини имзолаш орқали кун тартибидаги масалалар бўйича овоз беришади.<br>Мажлисда иштирок этиши лозим бўлган Кузатув кенгаши аъзолари: Исламов Бобир Фархадович, Самандаров Талъат Йўлдошевич, Халимов Адхамбек Жамолиддин ўғли, Пулатов Нодирбек Ғуломович, Bart Lucarelli (мустақил аъзо), Назаров Нодир Қахарович, Упушев Ерлан Елемесович, Айходжаев Рустам Иркинович, Рахматов Алишер Хамзаевич.<br>Мазкур мажлисда 9 та кузатув кенгаши аъзоларидан 9 таси сўровнома орқали қатнашди. | The Supervisory Board meeting was held in accordance with the Law of the Republic of Uzbekistan "On Joint-Stock Companies and Protection of Shareholders' Rights." The meeting of the Supervisory Board was convened at the initiative of its members, in accordance with Article 78 of the Law of the Republic of Uzbekistan "On Joint-Stock Companies and Protection of Shareholders' Rights."<br>The members of the Supervisory Board vote on the agenda items by signing the minutes of the meeting.<br>Members of the Supervisory Board who were required to participate in the meeting: Islamov Bobir Farhadovich, Samandarov Tal'at Yuldashevich, Halimov Adhambek Jamoliddin ogli, Pulatov Nodirbek Ghulomovich, Bart Lucarelli (independent director), Nazarov Nodir Kakhrovich, Upushev Erlan Elemesovich, Aykhodjaev Rustam Irkinovich, Rakhmatov Alisher Hamzaevich.<br>At this meeting, 9 out of 9 members of the supervisory board participated through a survey. |

| | |
|---|---|
| Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 78-моддасида белгиланган кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш кворуми (100%) мавжуд. Ушбу кворумни таъминлаш мақсадида, жамият корпоратив котиби йиғилиш протоколини тайёрлаб, йиғилиш қатнашчиларига электрон тарзда тақдим этди. Улар “Ўзбеккўмир” АЖнинг “Кузатвув кенгаши тўғрисидаги низом”нинг 6.14-моддасига мувофиқ, сўров йўли билан протоколга кўл кўйиш орқали розилик билдирдилар. | The quorum for holding the Supervisory Board meeting, as established by Article 78 of the Law of the Republic of Uzbekistan "On Joint-Stock Companies and Protection of Shareholders' Rights," is 100%. To achieve that quorum, the Corporate Secretary prepared minutes of the meeting and distributed them to members unable to attend. They have agreed to these minutes by poll in accordance with Article 6.14 of the Uzbekcoal JSC Supervisory Board regulations. |
| **Кун тартиби:**<br>**1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 11 сентябрдаги 576-Ф-сон (ХДФУ) Фармойиши ижросини кўриб чиқиш.**<br>**2. Жамиятнинг устав капиталини қўшимча акциялар чиқарилиши йўли билан кўпайтириш ва уларни жойлаштириш муддатлари ҳамда шартларини белгилаш масаласини тасдиқлаш.**<br>**3. Қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш ҳақида.**<br>**4. “Ўзбеккўмир” АЖ бош директорининг (ишлаб чиқариш бўйича) ўринбосарини тайинлаш ва бошқарув аъзолари таркибини тасдиқлаш.**<br>**5. “Ўзбеккўмир” АЖнинг ички низомларини кўриб чиқиш.** | **AGENDA:**<br>**1. Review of the implementation of the Decree of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated September 11, 2023, No. 576-F (HDFU).**<br>**2. On the decision to increase the authorized capital of the company through the issuance of additional shares and establishing the terms and conditions for their placement.**<br>**3. On the approval of the decision to issue additional shares.**<br>**4. Appointment of the Acting Deputy Director (for Production) of “Uzbekcoal” JSC and approval of the composition of the management members.**<br>**5. Approval of the internal regulations of “Uzbekcoal” JSC.** |

| | |
|---|---|
| **1. Кун тартибидаги биринчи масала бўйича:** | **1. On the first item of the agenda:** |
| Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023-йил 11-сентябрдаги 576-Ф-сон (ХДФУ) фармойишининг 2-бандига асосан:<br>- “Ўзагрокимёҳимоя”АЖ, “Муборакнефтгазмонтаж” АЖ, “Ўзагросервис” АЖ тизимидаги корхоналарнинг иловага мовофиқ бино ва иншоотларини туташ ҳудудлари билан биргаликда бюджет ссудаси ва давлат бюджети олдидаги қарзларини объектларнинг баҳоланган қийматига камайтириш ҳисобига “Ўзбеккўмир” АЖнинг устав капиталидаги давлат улушини объектларнинг баҳоланган қийматига ошириш орқали “Ўзбеккўмир” АЖга бериш; | In accordance with paragraph 2 of the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. 576-F dated September 11, 2023:<br>- The buildings and structures (hereinafter referred to as "objects") within the system of "Uzagrokimyohimoya" JSC, "Muborakneftgazmontaj" JSC, and "Uzagrosservice" JSC, along with their adjacent territories, are to be transferred to the authorized capital of “Uzbekcoal” JSC by increasing its authorized capital, based on the assessed value of the objects, through the reduction of budget loans and state budget liabilities related to these objects; |
| - “Ўзбеккўмир” АЖ томонидан объектларни қабул қилиб олинган қийматда “Кўмир таъминот” МЧЖ устав капиталига бериш тўғрисидаги таклифга розилик берилганлиги;<br>6-бандига асосан:<br>- объектларни “Ўзбеккўмир” АЖ устав капиталидаги давлат активларини бошқариш агентлигининг улушини ошириш ҳисобига ўтказиш ва ушбу объектларга бўлган хуқуқлар “Ўзбеккўмир” АЖ номига давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг уларни “Кўмир таъминот” МЧЖ устав капиталига бериш масалаларини “Ўзбеккўмир” АЖнинг бошқарув органларида кўриб чиқиш чораларини кўриш белгиланган. | - Consent has been granted for the proposal to transfer the objects to the authorized capital of "Ko'mir Ta'minot" LLC at the value accepted on the balance sheet of "Uzbekcoal" JSC;<br>Based on paragraph 6:<br>- It is stipulated that the objects will be transferred to the authorized capital of "Uzbekcoal" JSC by increasing the share of the State Assets Management Agency in the authorized capital, and after the rights to these objects are registered in the name of "Uzbekcoal" JSC, they will be transferred to the authorized capital of "Ko'mir Ta'minot" LLC. Measures for consideration of these issues by the management bodies of "Uzbekcoal" JSC are to be taken. |
| Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2024-йил 15-ноябрдаги 765-сонли (ХДФУ) қарорига асосан, 576-Ф-сон | Based on the decision of the Cabinet of Ministers dated November 15, 2024, No. 765-s (HDFU), amendments and additions |

| | |
|---|---|
| (ХДФУ) фармойишининг 2-иловасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган бунда: Фармойишнинг 2 ва 5-банди хатбошидаги “Мубораконефтгазмонтаж” АЖ, “Узагросервис” АЖ сўзлари чиқариб ташланган ва аввалги 2-чи иловада 43 та объект киритилган бўлиб, ўзгартиришлардан сўнг эса “Ўзбеккўмир” АЖ устав капиталига бериладиган объектлар сони 9 та этиб белгиланган.<br>Юқоридаги қарорлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2024-йил 4-сентябрдаги 02/09-5-21-20/1002-сонли ҳамда 2025-йил 21-январдаги 03/09-2-21-17/135-сонли ХДФУ- хатлари ижросини таъминлаш мақсадида, қарорнинг 2-иловасида келтирилган объектлардан топшириш-қабул қилиш далолатномаларига асосан қабул қилиб олинди ва объектларнинг баҳоланган қийматига “Ўзбеккўмир” АЖ устав капиталидаги давлат улушини ошириш бўйича давлат активларини бошқариш агентлиги худудий бошқармаларининг буйруқлари қабул қилинган.<br>Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳудудий бошқармаларининг буйруқларида “Ўзбеккўмир” АЖнинг устав капиталидаги давлат улушини объектларнинг баҳоланган қийматига ошириш ҳисобига “Ўзбеккўмир” АЖга топшириш ва берилган мулклар қиймати белгилаб қўйилган.<br>Кун тартибидаги масала Кузатув кенгаш аъзолари томонидан кўриб чиқилди ва овозга қўйилди. | were made to Appendix 2 of Decree No. 576-F (HDFU), with the following changes: the words "Muborakneftgazmontaj" JSC and "Uzagrosservice" JSC were removed from paragraphs 2 and 5 of the decree, and previously 43 objects were included in Appendix 2, whereas after the changes, the number of objects to be transferred to the authorized capital of "Uzbekcoal" JSC has been set to 9.<br>To ensure the implementation of the above-mentioned decisions, as well as the letters from the State Agency for the Management of State Assets of the Republic of Uzbekistan dated September 4, 2024, No. 02/09-5-21-20/1002 and January 21, 2025, No. 03/09-2-21-17/135 of the HDPU, based on the acts of transfer-acceptance of the objects listed in Appendix 2 to the decision, 8 objects have been accepted. Additionally, based on the appraised value of the objects, orders have been issued by the territorial departments of the State Agency for the Management of State Assets to increase the state's share in the authorized capital of JSC "Uzbekcoal".<br>In the orders of the territorial departments of the State Assets Management Agency, after the official registration of the cadastral documents for the objects, these objects will be transferred to "Uzbekcoal" JSC, increasing the state share in the authorized capital of "Uzbekcoal" JSC based on the assessed value of the objects. At the same time, the value of the transferred property has been determined.<br>The issue on the agenda was discussed by the members of the Supervisory Board and put to a vote. |

| | |
|---|---|
| **Овоз бериш натижалари:**<br>**Тарафдор –9 Қарши – 0 Бетараф – 0**<br><br>**Кун тартибидаги биринчи масала бўйича қабул қилинган қарор:**<br>1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024-йил 15-ноябрдаги 765-сонли (ХДФУ) қарори ҳамда 2023-йил 11-сентябрдаги 576-Ф-сон (ХДФУ) фармойишига асосан “Ўзагрокимёҳимоя”АЖ, “Муборакнефтгазмонтаж” АЖ, “Ўзагросервис” АЖ тизимидаги корхоналарнинг бино ва иншоотларини туташ ҳудудлари билан биргаликда бюджет ссудаси ва давлат бюджети олдидаги қарзларини объектларнинг баҳоланган қийматига камайтириш ҳисобига Жамиятнинг устав капиталидаги давлат улушини ошириш орқали “Ўзбеккўмир” АЖга бериш ва объектларни қабул қилиб олинган қийматда “Кўмир таъминот” МЧЖ устав капиталига бериш тўғрисидаги таклифга розилик берилганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин;<br><br>2. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2024-йил 4-сентябрдаги 02/09-5-21-20/1002-сонли ҳамда 2025-йил 21-январдаги 03/09-2-21-17/135-сонли ХДФУ-хатларига асосан Қарорнинг 2-иловасида келтирилган объектлардан топшириш-қабул қилиш далолатномаларига асосан қабул қилиб олинганлиги ва объектларнинг баҳоланган қийматига “Ўзбеккўмир” АЖ устав капиталидаги давлат улушини ошириш | **Voting results:**<br>**In favor – 9, Against – 0, Abstained – 0.**<br><br>**The decision made on the first agenda item:**<br>1. Based on the Resolution No. 765 (XDFU) of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated November 15, 2024, and the Decree No. 576-F (XDFU) dated September 11, 2023: It is hereby acknowledged and accepted for information and implementation that consent has been given to the proposal to transfer the buildings and structures — along with adjacent territories — of the enterprises within the system of “Uzagrokimyohimoya” JSC, “Muborakneftgazmontaj” JSC, and “Uzagroservice” JSC to “Uzbekcoal” JSC (Uzbekkoʻmir JSC) by increasing the state share in the authorized capital of the company through offsetting the assessed value of these facilities against budget loans and liabilities to the state budget. Furthermore, these facilities will be subsequently contributed to the charter capital of “Komir Ta'minot” LLC at their accepted value.<br>2. Based on official letters No. 02/09-5-21-20/1002 dated September 4, 2024, and No. 03/09-2-21-17/135 dated January 21, 2025, issued by the State Assets Management Agency of the Republic of Uzbekistan, it is confirmed that the properties listed in Annex 2 of the Resolution have been accepted according to transfer-acceptance deeds, and the regional departments of the State Assets Management Agency have issued relevant orders to increase the state share in the |

| | |
|---|---|
| бўйича давлат активларини бошқариш агентлиги худудий бошқармаларининг буйруқлари қабул қилинганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.<br>3. “Ўзбеккўмир” АЖ устав капиталини қўшимча акциялар чиқариш йўли билан кўпайтириш ва уларни жойлаштириш муддатлари, шартларини белгилаш ҳамда кейинчалик “Кўмир таъминот” МЧЖга объектларни қабул қилиб олинган қийматда устав капиталига “Ўзбеккўмир” АЖнинг улуши сифатида ўтказиш масаласини Жамият Кузатув кенгаши йиғилишида кўриб чиқиш учун киритилсин | authorized capital of “Uzbekcoal” JSC based on the assessed value of the facilities. This is accepted for information and implementation.<br>3. “Uzbekcoal” JSC is instructed to initiate the increase of its authorized capital through the issuance of additional shares, determine the terms and deadlines for their placement, and subsequently submit for review at the Supervisory Board meeting of the company the matter of transferring the facilities at their accepted value into the charter capital of “Ko’mir Ta’minot” LLC as a corporate share held by “Uzbekcoal” JSC. |
| **2. <u>Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича:</u>**<br>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023-йил 11-сентябрдаги 576-Ф-сон фармойишига асосан:<br>- “Ўзагрокимёҳимоя”АЖ, тизимидаги корхоналарнинг бино ва иншоотларини туташ ҳудудлари билан биргаликда бюджет ссудаси ва давлат бюджети олдидаги қарзларини объектларнинг баҳоланган қийматига камайтириш ҳисобига “Ўзбеккўмир” АЖнинг устав капиталидаги давлат улушини объектларнинг баҳоланган қийматига ошириш орқали “Ўзбеккўмир” АЖга бериш;<br>- “Ўзбеккўмир” АЖ томонидан объектларни қабул қилиб олинган қийматда “Кўмир таъминот” МЧЖ устав капиталига бериш тўғрисидаги таклифга розилик берилганлиги;<br>- Объектларни “Ўзбеккўмир” АЖ устав капиталидаги давлат активларини бошқариш агентлигининг улушини ошириш ҳисобига ўтказиш ва уларни “Кўмир таъминот” МЧЖ устав капиталига бериш | **2. <u>Regarding the second item on the agenda:</u>**<br>Based on the Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan No. 576-F dated September 11, 2023:<br>- to transfer to JSC “Uzbekcoal” the uildings and structures, together with adjacent territories, of the enterprises within the system of JSC “Uzagrokimyohimoya” by offsetting their debts on budgetary loans and obligations to the state budget against the appraised value of these assets, while simultaneously increasing the state share in the charter capital of JSC “Uzbekcoal” by the appraised value of the transferred assets.<br>- Consent has been granted to the proposal whereby “Uzbekcoal” JSC, upon receiving the properties at their accepted value, will transfer them to the charter capital of “Komir Ta'minot” LLC;<br>- It has been determined to take measures to consider the transfer of the properties by increasing the share of the State Assets Management Agency in the charter capital of “Uzbekcoal” JSC and to transfer them to the |

| | |
|---|---|
| масалаларини “Ўзбеккўмир” АЖнинг бошқарув органларида кўриб чиқиш чораларини кўриш белгиланган. | charter capital of “Komir Ta'minot” LLC at the governing bodies of “Uzbekcoal” JSC. |
| Юқоридаги фармойиш ижросини таъминлаш мақсадида, Давлат активларини бошқариш агентлигининг ҳудудий бошқармалари томонидан “Ўзагрокимёҳимоя”АЖ, тизимидаги корхоналар бино-иншоотларининг баҳоланган умумий қиймати 94 512 416 480,00 (тўқсон тўрт миллиард беш юз ўн икки миллион тўрт юз ўн олти минг тўрт юз саксон) сўмлик активлари “Ўзбеккўмир” АЖ томонидан объектлари топшириш-қабул қилиб олиш далолатномалари ва давлат активларини бошқариш агентлиги худудий бошқармаларининг буйруқлари асосида Жамият устав фондидаги давлат улушини ошириш ҳисобига қабул қилиб олинган. | In order to ensure the implementation of the above-mentioned Resolution, the territorial departments of the Agency for Management of State Assets have transferred to JSC “Uzbekcoal” assets of JSC “Uzagrokimyohimoya” enterprises, consisting of buildings and structures, with a total appraised value of 94,512,416,480.00 (ninety-four billion five hundred twelve million four hundred sixteen thousand four hundred eighty) UZS. These assets were accepted by JSC “Uzbekcoal” on the basis of transfer and acceptance certificates and the orders of the territorial departments of the Agency for Management of State Assets, as an increase of the state share in the charter capital of the Company. |
| Хусусан, | In particular, |
| - Давлат активларини бошқариш агентлигининг Андижон вилояти ҳудудий бошқармасининг 2024-йил 11-сентябрдаги 70-i/ch-сонли буйруғи ҳамда 2024-йил 12 декабрдаги топшириш қабул қилиш далолатномасига асосан “Ўзбеккўмир” АЖ устав капиталидаги давлат улушини ошириш ҳисобига берилган мулкларнинг умумий қиймати жами 11 000 000 000 сўм миқдорда белгаланган; | - Based on Order No. 70-i/ch of the Andijan Regional Department of the Agency for Management of State Assets dated September 11, 2024, and the transfer and acceptance certificate dated December 12, 2024, the total value of the property transferred to JSC “Uzbekcoal” as an increase of the state share in the charter capital has been set at 11,000,000,000 (eleven billion) UZS. |
| - Давлат активларини бошқариш агентлигининг Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармасининг 2024-йил 26-сентябрдаги 96-сонли буйруғи ҳамда 2024-йил 27 сентябрдаги топшириш қабул қилиш далолатномасига асосан “Ўзбеккўмир” АЖ устав капиталидаги давлат улушини ошириш ҳисобига берилган мулкларнинг | - Based on Order No. 96 of the Surkhandarya Regional Department of the Agency for Management of State Assets dated September 26, 2024, and the transfer and acceptance certificate dated September 27, 2024, the total value of the property transferred to JSC “Uzbekcoal” as an increase of the state share in the charter |

| | |
|---|---|
| умумий қиймати жами 20 086 416 000 сўм миқдорда белгаланган; | capital has been set at 20,086,416,000 (twenty billion eighty-six million four hundred sixteen thousand) UZS. |
| - Давлат активларини бошқариш агентлигининг Хоразм вилояти ҳудудий бошқармасининг 2024-йил 10-октябрдаги 149-сонли ҳамда 2024-йил 22-октябрдаги 154-сонли буйруғлари ҳамда 2024-йил 10 октябрдаги топшириш қабул қилиш далолатномасига асосан "Ўзбеккўмир" АЖ устав капиталидаги давлат улушини ошириш ҳисобига берилган мулкларнинг умумий қиймати жами 58 807 648 000 сўм миқдорда белгаланган; | - Based on Orders No. 149 dated October 10, 2024, and No. 154 dated October 22, 2024, of the Khorezm Regional Office of the State Assets Management Agency, the number of assets transferred by increasing the state share in the charter capital of "Uzbekcoal" JSC is 3, with a total value of 58,807,648,000 soums; |
| - Давлат активларини бошқариш агентлигининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармасининг 2024-йил 14-октябрдаги 78U-сонли буйруғига асосан "Ўзбеккўмир" АЖ устав капиталидаги давлат улушини ошириш ҳисобига берилган мулкларнинг умумий қиймати жами 4 618 352 480 сўм миқдорда белгаланган. | - Based on Order No. 78U dated October 14, 2024, of the Bukhara Regional Office of the State Assets Management Agency, the number of assets transferred by increasing the state share in the charter capital of "Uzbekcoal" JSC is 1, with a total value of 4,618,352,480 soums. |
| Юқоридагилардан келиб чиқиб, Жамият устав фонди миқдорини номинал қиймати 1000 (бир минг) сўм бўлган 94 512 416 (тўқсон тўрт миллион беш юз ўн икки минг тўрт юз ўн олти) дона эгасининг номи ёзилган оддий, хужжатсиз шаклдаги қўшимча акцияларни чиқариш ва ёпиқ обуна орқали Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлигига жойлаштириш йўли билан 94 512 416 000 (тўқсон тўрт миллиард беш юз ўн икки миллион тўрт юз ўн олти минг) сўмга кўпайтириш лозим. | Based on the above, it is necessary to increase the authorized capital of the Company by 94,512,416,000 (ninety-four billion five hundred twelve million four hundred sixteen thousand) UZS through the issuance of 94,512,416 (ninety-four million five hundred twelve thousand four hundred sixteen) additional registered uncertificated ordinary shares with a nominal value of 1,000 (one thousand) UZS each, to be placed with the Agency for Management of State Assets of the Republic of Uzbekistan by means of a closed subscription. |
| Акцияларнинг бутлигини сақлаш мақсадида юқоридаги ташкилотларидан қабул қилиб олинган мулклар ва устав капиталининг оширилаётган қисми сўммаси | In order to maintain the integrity of the shares, the difference in the amount of 480.0 UZS between the value of the assets received from the above-mentioned organizations and |

| | |
|---|---|
| орасидаги 480,0 сўм миқдоридаги фарқ Жамиятнинг кейинги акциялар чиқарилишида давлат улушини шакллантиришда ҳисобга олинади.<br>Мазкур акцияларни жойлаштиришда имтиёзли ҳуқуқлар кўзда тутилмаганлиги қайд этилди.<br>"Ўзбеккўмир" АЖ уставининг 8.3-бандига мувофиқ, "Ўзбеккўмир" АЖнинг устав капиталини ошириш масаласи Кузатув кенгаш ваколатида эканлигини инобатга олган холда Жамият устав фондини ошириш масаласини тасдиқлаш лозим.<br>Мухокамадан сўнг ушбу масала тасдиқлаш учун овозга қўйилди ва бир овоздан мақулланди.<br>**Овоз бериш натижалари:**<br>**Тарафдор - 9 Қарши – 0 Бетараф – 0**<br><br>**Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича қабул қилинган қарор:**<br>**1.** Жамият устав капиталини номинал қиймати 1000 (бир минг) сўм бўлган 94 512 416 (тўқсон тўрт миллион беш юз ўн икки минг тўрт юз ўн олти) дона умумий қиймти 94 512 416 000 (тўқсон тўрт миллиард беш юз ўн икки миллион тўрт юз ўн олти минг) сўм миқдоридаги эгасининг номи ёзилган оддий, хужжатсиз шаклдаги қўшимча акцияларни чиқариш орқали кўпайтирилсин.<br>**2.** Қўшимча чиқарилаётган акцияларни жойлаштириш муддати ва шартлари қуйидагича белгилансин:<br>**1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури:** оддий акциялар.<br>**2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли:** хужжатсиз. | the amount by which the charter capital is being increased shall be taken into account in forming the state share during the next issuance of shares of the Company.<br>It was noted that no preemptive rights are provided in the placement of these shares.<br><br>In accordance with clause 8.3 of the Charter of "Uzbekcoal" JSC, considering that the issue of increasing the charter capital of "Uzbekcoal" JSC falls within the authority of the Supervisory Board, it is necessary to approve the increase of the Company's charter capital.<br>After the discussion, this matter was put to a vote for approval and was unanimously approved.<br>**Voting results:**<br>**In favor – 9, Against – 0, Abstained – 0.**<br><br>**The decision made on the second item agenda:**<br>**1.** Increase the authorized capital of the company through the issuance of 94,512,416 (ninety-four million five hundred twelve thousand four hundred sixteen) common, book-entry shares with a nominal value of 1,000 (one thousand) soums each, totaling 94,512,416,000 (ninety-four billion five hundred twelve million four hundred sixteen thousand) soums.<br><br>**2.** The deadlines and conditions for the placement of the additional issued shares shall be determined as follows:<br>1. **Type of shares issued with the owner's name:** ordinary shares.<br>2. **Form of issuance of these shares:** uncertificated (book-entry). |

| | |
|---|---|
| **3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати:** 1 000 (минг) сўм. | 3. **Nominal value of each share:** 1,000 (one thousand) soums. |
| **4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони:** 94 512 416 (тўқсон тўрт миллион беш юз ўн икки минг тўрт юз ўн олти) дона. | 4. **Number of shares issued:** 94,512,416 (ninety-four million five hundred twelve thousand four hundred sixteen). |
| **5. Ушбу чиқарилишдаги умумий хажми:** 94 512 416 000 (тўқсон тўрт миллиард беш юз ўн икки миллион тўрт юз ўн олти минг) сўм. | 5. **Total volume of issuance:** 94,512,416,000 (ninety-four billion five hundred twelve million four hundred sixteen thousand) soums. |
| **6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:**<br>Акциядорлар:<br>- жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;<br>- депо ҳисоб варағидан ўзига таллуқли кўчирма олиш;<br>- жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;<br>- жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;<br>- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;<br>- жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда талиб қилиш;<br>- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;<br>- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;<br>- ўзига етказилган зарарнинг ўрнини қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;<br>- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа | 6. **Rights of the holders of shares in this issuance:**<br>Shareholders have the following rights:<br>- To be registered in the company's shareholders' register;<br>- To obtain a copy of their deposit account statement;<br>- To receive a portion of the company's profits as dividends;<br>- In the event of the company's liquidation, to receive a portion of the company's assets corresponding to their share;<br>- To participate in the management of the company by voting at general shareholders' meetings;<br>- To request complete and reliable information about the company's financial and economic activities in the prescribed manner;<br>- To freely dispose of the dividends received;<br>- To protect their rights before the authorized state body regulating the securities market, as well as in court;<br>- To claim compensation for damages incurred in the prescribed manner;<br>- To join associations and other non-governmental non-profit organizations to express and protect their interests; |

| | |
|---|---|
| нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;<br>- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга;<br>- шунингдек акциядорлар қонун хужжатларига ва Жамият уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин. | - To have the right to insure against risks associated with acquiring securities, including the risk of lost profits;<br><br>- Additionally, shareholders may have other rights in accordance with laws and the company's charter. |
| **7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги хар қандай чеклашлар:** Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставида чеклашлар мавжуд эмас. Акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорда қўйидаги чеклашлар белгиланган:<br>- акциялар Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади. | 7. **Restrictions regarding the acquisition of the shares issued under this placement in the Company's Charter and/or in the Resolution on issuance:** There are no restrictions in the Company's Charter regarding the acquisition of the shares issued under this placement. The following restriction is established in the Resolution on issuance:<br>- the shares shall be placed with the Agency for Management of State Assets of the Republic of Uzbekistan by means of a closed subscription. |
| **8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм):** 185 773 565 000 (бир юз саксон беш миллиард етти юз етмиш уч миллион беш юз олтмиш беш минг) сўм. | 8. **The amount of the Company's charter capital (in soums):** 185,773,565,000 (one hundred eighty-five billion seven hundred seventy-three million five hundred sixty-five thousand) soums. |
| **9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони:** илгари жойлаштирилган акциялар умумий сони 185 773 565 шундан 184 302 515 дона эгасининг номи ёзилган хужжатсиз оддий акциялар ва 1 471 050 дона эгасининг номи ёзилган хужжатсиз имтиёзли акциялар. | 9. **Number of previously issued shares:** 184,302,515 ordinary registered uncertificated shares and 1,471,050 preferred registered uncertificated shares. |
| **10. Илгари жойлаштирилган корпоратив облигациялар сони:** жамият томонидан корпоратив облигациялар чиқарилмаган ва жойлаштирилмаган. | 10. **Number of previously issued corporate bonds:** The Company has not issued or placed any corporate bonds. |

| | |
|---|---|
